

ҚАДИМГИ ТУРКИЙЛАР НОМЛАНИШИДА ТАРИХИЙ-ЭТНИК ҚАРАШЛАР

Хуршид Жамshedович ГУЛЯМОВ

таянч докторант

Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича

Мувофиқлаштирувчи-методик маркази

Тошкент, Ўзбекистон

xurshidjamshidovich@gmail.com

Аннотация

Мақолада “турк” деган номнинг аввалдан ҳам туркий тилда сўзлашадиган, ирқий ва урф-одат жиҳатидан бир-бирига ўхшаш ёки туркий ҳамда туркийлашган элатларнинг йиғиндисини англатиши, Турк хоқонлиги даврида бу жараён ўз расмий мақомига эга бўлиши, қадимги турк даврида туркий қавмларнинг ягона ном – “кўктурклар” деб аталиши ҳақида маълумот берилади ва кўктурклар мавзусида батафсилроқ тўхтаб ўтилади.

Таянч сўзлар: қадимги туркийлар, кўктурк, осмон фарзанди, самовий турклар, топонимлар, тарихий этимологик бирликлар.

ИСТОРИКО-ЭТНИЧЕСКИЕ ВЗГЛЯДЫ В НАИМЕНОВАНИИ ДРЕВНИХ ТЮРКОВ

Хуршид Жамshedович ГУЛЯМОВ

базовый докторант

Координационно-методический центр

по вопросам новейшей истории Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

xurshidjamshidovich@gmail.com

Аннотация

В статье приводится информация о том, что под названием «тюрк» издревле подразумевается общность народов, говорящих на тюркском языке, близких по расовому признаку и обычаям, или тюркских и тюркизированных народностей, что этот процесс приобрел свой официальный статус в период существования Тюркского ханства, что тюркские народы именовались единым именем - «коктюрки» в древнетюркский период, и более подробно рассматривается тема коктюрков.

Ключевые слова: древние тюрки, коктюрк, дети неба, небесные тюрки, топонимы, исторические этимологические единицы.

Кўкни қадимги туркийлар, биринчи навбатда, осмон билан боғлашган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, кўк сўзи дастлаб осмон рангини ифодалаган. Кўк, аввало, осмон ранги бўлганлиги учун туркий халқлар уни Тангри ранги сифатида эъзозлашган. “Култегин” битигида қайд этилган кўк

сўзи шу тасаввурларга асосланган. Профессор Н.Раҳмонов шундай ёзади: “Қадимги туркий халқлар *кўк турклар* номи билан тарихда қолган. “Турк” номи билан машҳур бўлган, кейинчалик кўплаб давлатлар ва халқларга ўз номларини берган биринчи давлат Гўктўрк (*гўк* = “кўк” ёки “самовий”, аммо бу контекстда шарқ маъносини англатган) давлатига VI асрда асос солинган. Лекин кўплаб манбаларда улар самовий турклар деб таржима қилинади. Қадимги турк даврида туркий қавмлар ягона ном билан *кўктурклар* деб юритиладиган бўлди. Кўктурк – илоҳий турк деганидир” [3].

Кўктурк номи ва унинг маъноси бўйича қилинган илмий тадқиқотларда А.Кононовнинг [2] ўрни ҳам катта аҳамиятга эга. Хусусан, у *кўк* – *гўк* сўзларининг қуйидагича маъноларини келтириб ўтади: 1) “кўк”, “оч кўк”, “азуре”, “оч яшил”, “кулранг”, “осмон ранги”, “ёш кўкатлар ранги”, “кулранг”; 2) “осмон”, “ёш”, “ўт”, “кўкат”, “ўтлоқ”. Синонимлари сифатида яшил, ҳаворанг сўзларини, ономастик жиҳатдан Кўктош, Кўкбўри бирликларини, этноним жиҳатдан кўктуркка бориб тақалишини, географик жиҳатдан Кўксув, Кўкчатов каби гидроним ва оронимларни келтириб ўтади. Бундан ташқари, ўсимликлар, қушлар, ҳайвонлар номи сифатида ҳам келишини таъкидлаб ўтган.

Яна кўкнинг Олтин Ўрда, Оқ Ўрда, Кўк Ўрда шаклида ҳам келишини таҳлил этиб, XIV асрнинг охири XV асрнинг бошларида Жўжи улусининг чап қаноти Кўк Ўрда [4], ўнг қаноти эса Оқ Ўрда деб номланишига эътибор қаратади. Бунда географик жойлашувига қараб, мўғуллар ғарбни – оқ, шарқни эса “кўк” деб атаганига боғлиқ, деган фикрлар келиб чиқади. Баъзи қадимий манбаларда ҳам “кўк” лексемаси “шарқ – шарқий” деган маъноларни ифодалайди. Ўтукен ўлкасининг шарқида яшовчи туркийлар ҳам Кўк турклар деб аталган. Қадимги туркий монийлик қарашларида ҳам Кўкмен-дағ, яъни, Кўкментоғ топоними мавжуд бўлиб, бунга эса қуёш айнан шарқдан, шу тоғ ортидан кўтарилганлигини сабаб, деб кўрсатилган. Чингизхон ҳам қадимги турклар анъанасига кўра, чап қанотини Кўкмўғул деб атаганлиги келтирилади.

Турк тилшунослигида кўк сўзи билан боғлиқ мисоллар кўп бўлиб, уларнинг туркий маданиятдаги ўрни ва аҳамиятидан юқори эканлигидан далолат бериши мумкин. Баъзи адабиётларда “туркуаз” лексемасининг тағзамирида кўк маъноси борлигининг илмий асослари келтирилади. Туркуаз турк ранги сифатида ҳам танилган, туркча сўзнинг французча талаффузидан олинган. Бунинг сабаби мамлакатда Ўрта Ер денгизи соҳилларида бир фируза ранг бор, деб ҳисобланишидир. Туркуазнинг бошқа маънодошлари кўк ва мовий бўлиб, бундан ташқари, фируза ранги (фирузе) унинг синоними сифатида келтирилади. Шу билан бирга, туркуаз ҳам Кариб сувлари маъносида Британия флоти вакиллари томонидан ишлатилади. Туркуаз ранги кўк ва яшил аралашмасидан иборат. Ёқут тилидаги “кўк” маъносидаги кўёх шакли ҳам *туркуаз* сўзида “кўк” (яшил) маънолари мавжудлигини асослашга хизмат қилади.

Кўк тангри рамзий жиҳатдан туркий қавмларнинг энг қадимий диний тимсолидир. Уларнинг фикрича, кўк юзи Тангри бўлиб, у фалакнинг, ернинг ҳукмдоридир. Қуёш, ой ва юлдузлар Тангрининг атрофидаги кўкнинг юзига жойлашган муқаддас тушунчалардир. Кўк Тангри заминга ҳаёт, одамларга жон беради, истаса қайтариб олади, ҳатто турк хоқонлари ҳам Кўк Тангрининг хоҳиши билан тахтга ўтирадилар, деган қарашлар мавжуд. Ўрхун-Энасой ёдгорликларида “Тангри-тек-Тангри” бирикмаси учрайди, унинг маъноси ҳам Тангрининг танҳолигини эътироф этишдир. Тангри – тек-Тангри – осмондек Тангри ёки Оллоҳдек Оллоҳ, Оллоҳга ўхшайдиган Оллоҳ дейилишида Тангрининг қиёфаси учун ҳеч бир сифат, ўхшатиш йўқ, у фақат Тангрининг ўзига ўхшайди, деган қараш ифодаланган. Кўкнинг Тангри сифатида қабул қилиниши, кўк қобиғидаги осмоний жисмларнинг ҳам муқаддаслигини белгилайди. Шу сабабли ҳам туркийлар осмон жисмларида илоҳийликни сезадилар.

Кўк Тангри илоҳий номининг юзага келиши қуйидагича: *кўк ранг* → (*кўк*) *осмон* → *Кўк Тангри*. Кўринадики, *Кўк Тангри* номида кўк ранг прототип

вазифасини ўтаган. Кўк Тангри осмон маъносидаги кўк сўзининг “баландлик”, “юксаклик”, “хукмронлик” семалари асосида юзага келган.

Кўк Тангри дини монийликдан мутлақ фарқ қилади. Монийликнинг осмон жисмларига сиғиниши, уларни Худо даражасида англаши янгилик бўлмай, бундай қарашлар қадимги даврдаги Кичик Осиё халқлари, жумладан, шумерлар ҳаётида, хусусан, адабиётида ўз ифодасини топган. Ҳатто туркийларнинг массагет қавми ҳам қуёшни ягона Худо деб тан олиши таъкидланади. Кўк Тангри дини эса бутун осмон юзини Худо деб тушунади. Тангрининг осмонда эканлигига ишонч билдиради. Осмон Тангри ҳисоблангани учун шу осмонда жойлашган Қуёш, Ой ва Юлдузлар муқаддас саналади [1].

Туркий қавмларнинг Кўк Тангри динига эътиқоди “Ўғузнома” достонида ёрқин ифодасини топган: “Кунлардан бир кун Ўғуз ҳоқон бир ерда Тангрига ёлворар эди. Қоронғу тушди. Кўкдан бир кўк нур тушди. Қуёшдан ёруғ, ойдан ёрқинроқ эди. Ўғуз ҳоқон у томонга юрди, кўрдик, ўша ернинг орасида бир қиз бор эди. Ёлғиз ўтирар эди. Яхши, чиройли бир қиз эди. Унинг бошида оташга ўхшаш ёруғ бир холи бор эди, худди олтин қозик юлдузига ўхшар эди. У қиз шундай чиройли эдики, кулса, кўм-кўк осмон кулади, йиғласа кўм-кўк осмон йиғлайди”. Кўк тангрига эътиқод қўйган халқ онгида кўкдан тушган нур ҳам кўк рангда (аниқроғи, кўкнинг рангида) қабул қилинади. Бу эса ақл, онг ёрдамида идрок этиш баъзан ҳиссий билишни белгилашини кўрсатади. Аслида, рангларни идрок этишнинг дастлабки босқичи ҳиссий билиш, яъни, кўриш билан боғлиқ. Инсон кўриш сезгиси орқали нарса-буюмлар рангини онг орқали идрок этади. Ақлий билиш жараёни орқали ранг рамзлари шаклланади. Ранг рамзлари ҳиссий билишга таъсир кўрсатиб, инсон реал онгни ўзи хоҳлагандек кўра бошлайди. Шунинг учун ҳам тадқиқотларда ранг рамзларида нарса-буюм, маданий белгилар, сўз билан бир қаторда, шахс муносабати, ёндашувини акс эттирувчи лисоний онг ҳам муҳим ўрин тутиши таъкидланган. Бу ҳолатни кимсасиз саҳрода

йўловчига дарахтлар, кудуклар, сувларнинг кўриниши, саробни реаллик сифатида қабул қилиш жараёнига қиёслаш мумкин.

Бу парчада рамзий тарафдан Кўк Тангрининг образи туркий қавмлар тасаввури даражасида чизилган. Ўғуз хоқон Тангрига ёлворганда кўкдан тушган нур Тангрининг меҳри эди. Бу нур олдида Қуёш ва Ой нури ожиздир. Демак, туркийлар учун кўк мавжуд экан, Қуёш ва Ой Тангри бўла олмайди. Бадиий адабиётда Тангрини ёр, маъшуқа тимсолида тасаввур этиш анъаналари мавжуд. Ўғуз хоқонга нур орасида кўринган чиройли қиз – бу Тангри эди. У шу қадар қудратли кучки, кулса осмонни (ўз маконини) кулдиради, йиғласа йиғлатади.

Достонда Ўғуз хоқон ўзига ҳамроҳ тутинган нурдан уч фарзанд кўради. Уларга Кун, Ой, Юлдуз исмлари берилади. Демак, бундай номланишда ҳам осмон жисмлари Тангри эмас, аксинча улар Осмон – Тангрининг меҳридан юзага келган муқаддас фарзандлардир.

Ўғуз хоқон яна бир қизга уйланиб, ундан ҳам уч фарзанд кўрди ва Кўк, Тоғ, Денгиз дея исм қўйди. Бу исмларда ҳам рамзийлик мавжуд бўлиб, уч қаватли олам рамзи намоён бўлади. Кўк – юқори оламни, Тоғ – ўрта оламни, Денгиз – қуйи оламни ифодалайди. “Ўғузнома”даги уч қаватли оламнинг ибтидоси дарахт рамзи билан ифодаланган. Жаҳон мифологиясида “олам дарахти” ёки унинг бир варианты бўлган “ҳаёт дарахти” ҳосилдорлик дарахти, марказ дарахти, самовий дарахт, билиш дарахти номлари билан юритилади. “Ўғузнома”даги дарахт рамзи, хусусан, авлодларнинг ворисийлик алоқалари, ёки умуман олганда уруғларнинг насабномасини ифода этади. Дарахт рамзидан келиб чиққан қиздан туғилган фарзандлар – Кўк, Тоғ, Денгиз исмлари ва улар англатган уч қаватли олам рамзи насабноманинг давомийлиги билан бирга, ҳаёт дарахтининг горизонталь ва вертикаль тузилишини англатади.

Ўғуз хоннинг ҳар иккала хотинидан туғилган ўғиллар исми шундай тузилиш борлигини кўрсатади. Аслида дарахт култида уч қаватли оламнинг асосий ҳудудлари – юқори (самовий шоҳлик ёки Кўк), ўрта (ер ёки Тоғ), қуйи

(ерости шоҳлиги ёки Денгиз) акс этган, деб қараш мақсадга мувофиқдир. Қадимги туркий космогоник мифологиясининг мазкур кўриниши қадимги туркийларда фазовий оламни хаос, яъни, бўшлиқ оламидан ажратади.

Кўк рамзий жиҳатдан қадимги турклар тасаввурида илоҳий деган маънода қўлланади. Кўк рангининг “илоҳий” маъноси илдизлари қадимги туркларнинг мифологик тасаввурларига бориб тақалади. “Ўғузнома”даги муҳим образлардан бири кўк ёлли эркак бўри образидир. Кўк бўри тимсоли – қадимги туркий ёдгорликлардаги маъносини ва вазифасини сақлаган. Мазкур бўри ҳам Тангри (осмон)дан тушган. Шунинг учун бўрининг ранги осмон ранги билан бир хилда. Аслида бўри тимсоли бу ўринда аҳамиятлидир. Қадимги хитой йилномаларида туркий қавмларнинг бўридан келиб чиққани ҳақидаги афсона бор. “Ўғузнома”даги бўри образи Култигин битиктошидаги бўри тимсолининг айнан ўзи – бир маънода ва бир вазифада келган.

Туркий халқлар фольклорида бўри образи анъанавий равишда қадимги турк давридаги бўрини давом эттирган. Жумладан, бошқирд халқ эпосларида ҳам бўри образи қадимги турк афсоналаридаги хусусиятларини давом эттиради. Жумладан, қадимги хитой йилномаларида қайд этилишича, қадимги турк ва мўғул халқлари байроғида бўри калласи тасвири туширилган. Она бўридан туғилган Ашин уруғи катта иқтидор эгаси бўлиб, давлатни бошқарганлар. Улар қаерга бориб ўрнашсалар, ўша жойда бўрининг тасвири туширилган байроқни ўрнатганлар ва бу билан ўзларининг келиб чиқишларига ишора қилганлар. Мўғуллар ҳам ўзларининг аجدодларини ҳурматлаб, байроқларида бўрининг олтин калласини тасвирлаганлар. Мўғул афсоналарига кўра, рамзий ва диний жиҳатдан Чингизхон кўк бўридан келиб чиққан.

Қ.Содиқов “Қадимги туркий битикларда Биринчи ва Иккинчи турк хоқонликлари даврида (VI-VIII асрларда) яшаган туркий халқлар ўша чоғлардан қолган битикларда “кўк турклар” (көк турклар) деб аталган. Бу атамадаги “көк” сифати ҳозир биз билгандай “ранг” маъносида эмас, у “илдиз, асл, туб англамадир” деб ёзади.

Сўзнинг бу маъносини Маҳмуд Кошғарий ҳам келтириб ўтган. Унга кўра, кўк – “асл, томир, таг”. Шунга кўра, “кёкун ким?” деб сўралади, “аслинг ким, қайси қабиладансан?” демакдир [5] (ўғузлар ва кипчоқлар сўзи).

Кўкбулоқ, Кўксув, Кўкдарё гидронимлари ҳақида шуни айтиш мумкинки, бу хил гидрообъектларнинг кўлами чуқур, сувнинг оқиш суръати сокин, ранги шишадек кўм-кўк, ғоят тиниқ ва тоза бўлади. Шунинг учун бу гидронимлар таркибида айнан шу маънода келади. Гидрообъектларнинг номланишида қизил, сарик, яшил каби сўзлардан ҳам фойдаланилган.

Тополексемалар таркибида кўк сўзи кўп такрорланади: Кўкбелес, Кўкиак, Кўктерак, Кўксарой, Кўктепа, Кўкжар, Кўкчатов. Кўкмўйин – Ўрта Чирчиқ туманида яшовчи Қипчоқ ўзбекларининг бир уруғи бўлиб, қирғизлардаги бағиш қабиласининг бир уруғи ҳам Кўкмуюн деб аталган.

Кўксарой – Тошкент туманидаги жой топоними саналади. Сарой қабиласининг бир тармоғи – Кўксарой. Кўксарой топоними аслида қандай тарихий этимологик маълумотларга таянади. Амир Темур Самарқандни ўз салтанатининг пойтахти этиб эълон қилгач, шаҳарда кенг кўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилади. Хусусан, 1371-1372 йилларда шаҳарнинг ғарбий қисмида 34 гектар майдонни ўз ичига олган Арки олия бунёд этилади. Темурийлар даврига оид ёзма манбаларда Арки олия икки қатор муҳофаа девори билан ўраб олинганлиги, бу ерда Кўксарой, Бўстонсарой саройлари қад кўтарганлиги ҳамда давлат аҳамиятига эга иншоотлар – ғазна, қурол-яроғ, ҳарбий аслаҳалар ишлаб чиқарувчи устахоналар, омборхоналар, кутубхона, девонлар жойлашганлиги қайд этилади.

Бўстонсарой аркнинг шимолий қисмидаги муҳофаа девори ёнида жойлашиб, асосан ҳукмдорнинг ўзи ва оиласининг истиқомат қилиши учун мўлжалланган. Кўксарой эса арк марказида жойлашиб, тўрт қават бўлган. Ўз даврида юксак даражада маҳорат билан безалган саройда элчиларни қабул қилиш, расмий маросимлар ўтказиш каби давлат бошқаруви билан боғлиқ ишлар амалга оширилган. Кўксарой қароргоҳида амирнинг махсус ўриндиғи

бўлиб, у ҳам кўктош деб аталган. Бу ҳозирги пайтда ҳам Самарқандда Гўри Амир мақбарасида сақланади. Кўктош деб аталишига сабаб, унда кўк рангининг озгина белгиси мавжуд, яъни, асосан, кулрангга яқин. Бу тош кечаси ўзидан нур таратади, деган маълумотлар ҳам мавжуд.

Қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналари энг катта маънавий бойлигимиздир. Демак, халқ оғзаки ижодида муайян даврда яшаган аجدодларимизнинг кечинмалари, тасаввурлари муҳрланган. Уларда ифодаланган рамзларни тадқиқ этиш ва уларни тўғри талқин қилиш аجدодларимизнинг ички дунёсини ёритиб беришга, бизни уларга яқинлаштиришга, маънавиятимизни бойитишга хизмат қилади. Зеро, “рамзлар – қадриятлар мажмуи”дир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдурахмонов А. Туркий адабиётнинг қадимий қатламлари. Биринчи қисм. – Тошкент, 2000. – 25 б.
2. Кононов А.Н. Семантика цветообозначений в тюркских языках / А.Н.Кононов // Тюркологический сборник – 1975. – М.: Наука, 1978. – С.169-172.
3. Раҳманов Н. Ўрхун–Енисей ёзуви ёдгорликлари. – Тошкент: Шарқ, 2012. – 17 б.
4. Султанов Т.И. О терминах Ак-Орда, Кок-Орда и Иуз-Орда. – ИАН КазССР. Серия общественная. – 1972, – №3. – С. 72.
5. Содиқов Қ. Эски ўзбек ёзма адабий тили. – Тошкент, 2020. – 243 б